

# ЖУЖУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил  
18 март, чоршанба

# 11-12 (24)

Газета 1997 йил 27 августдан  
чиқа бошлаган

## ҚУТЛУФ АЙЁМГА ТАРАДДУД

Ҳазрати Мир Алишер Навоий ҳар кунимиз Наврӯз бўлишини башорат қилган эдилар... Ҳа, Наврӯз бу чексиз шодиёналарни ўзида мужассам этган халқимизнинг ардоқли, қутлуф айёмидир. Мустақиллигимизнинг еттинчи йилида миллий кадриятларимизнинг гултожи ҳисобланган, эзгулик, меҳр-мурувват, янгиланиш фасли бўлган ушбу байрам тантаналарига барча жойларда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам қизгин тайёргарлик кўрилди. Гўзал Наврӯз тантаналарига тайёргарликнинг бориши тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шўхрат ЖАЛИЛОВ мухбиримизга қуйдагиларни сўзлаб берди:

- Шаҳримизда бу йил ҳам Наврӯз - умумхалқ байрамини халқимизнинг кўнглидагидек ўтказиш учун ката тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Бу борада шаҳар ҳокимлиги томонидан байрамни муносиб қўтиб олиш ва баҳорги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида 1998 йил 15 февралдан 20 мартгача шаҳримизда Наврӯз умумхалқ байрамига тайёргарлик ойлигини ўтказиш тadbирлари белгиланган эди.

Наврӯз - янгиланиш фасли. Ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор ташриф буюриши билан кўнар исий бошлади. Ободончилик-озодалик ишларини олиб боришга ҳам жиддий эътибор берилиб, шаҳримиз кўчалари ҳуснига-ҳусн кўшилмоқда. Энди, бевосита байрам тантаналарига тайёргарлик ҳусусида тўхтал-сак. Байрам кўнлари шаҳри-мизнинг маданий марказлари: Мустақиллик майдони, Ходра, Мирзо Улўббек, Халқлар дўстлиги, Алишер Навоий номи театр майдониди, Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ кўчаси, Сирғали дам олиш маскони ва бошқа жойларда Наврӯз шодиёналари бўлиб ўтади. Сумалак, ҳалим пиширилади, совдо кўرғазмалари ташкил этилади.

Тантаналар маркази ҳисобланган Алишер Навоий номидаги Миллий боғда, айниқса, иш қизгин. Ушбу хиёбондаги Наврӯз мажмуида жойлашган байрамга тайёргарлик кўриш Республика штабида шодиёналарга ҳозирлик кўриш сифатли ва уюшган ҳолда олиб борила-япти. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб байрам сценарийсида оила йили, мустақиллигимизнинг етти йиллиги, шунингдек, туркий халқлар йил ҳисоби бўйича йўлбарс йилининг рамзий ифодалари тасвирлари, халқ оғзаки ижодининг ўлмас намунаси бўлган «Алпомиш» достонига бағишланган ажойиб кўриниш-лар ўз аксини топган. Етти қисмдан иборат асосий тантаналар дастуридаги барча томошаларни тайёрлашда байрамнинг бош режиссёри Р. Ҳамидовнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Наврӯз - халқимизнинг мил-

лий байрами. Байрам шодиёналари учун тайёрланаётган сахналарда қатнашувчи 9 мингдан зиёд иштирокчилар: ижодий гуруҳлар, артистлар, хонандаю созандаю, халқимизнинг миллий руҳдаги, санъатимизнинг барча ўзига хос томонлари акс этган мумтоз куй ва кўшиқ-ларини, таникли дорбозу масқарабозлар, полвонлар ҳам ўз байрам дастурларини тайёр-лашмоқда. Миллий эстрада чиқишларига ҳам кенг ўрин ажратилган. Бундан ташқари, хиёбонларни байрамга тайёрлаш ишлари ҳам жадал довом этаёпти. «Тошкентўйжой-инвест-қурилиш» корпорациясига қарашли «Турномарказқурилиш» ҳиссодорлик жамиятининг бунёдкорлари зиммаларига юклатилган фоят масъулиятли ишларни тез ва сифатли амалга оширмоқдалар. Байрам муносабати билан Миллий боғда меҳнаткашлар ва меҳмонлар учун 3200 та ўрин ҳозирланди. Қурувчилар томонидан майдонга тўртта минора, тўртта кўприк, саккизта чархпалак, иккита арнимчоқ ўрнатилди. Майдонда ўрнатилган турли хил ёритиш мосламалари сахналарга ўзгача фойз-тароват бағишлайди. Ранг-баранглик ҳар қандай жойни ҳам гўзал қилади. Ҳиссодорлик жамиятига қарашли «Пардоз» қурилиш бошқармаси бўёқчи, пардозчиларининг сайё-ҳаракатлари натижасида кўзларни қувнатадиган сахналар безатилаяпти.

Наврӯз бир кўнлик байрам эмас. Наврӯз уйғониш, яшариш, орзу-умидлар рамзидир. Шундай экан, байрам шодиёналари мамлакатимизнинг турли бурчакларида, шаҳар ва қишлоқларида, оилаларда, қолаверса, барча фуқароларимизнинг қалбларида зўр ҳаяжон ва жўшқин кайфиятда нишонланади. Тантаналар тантаналарга, шодиёналар шодиёналарга улановеради.

Ҳа, яқинлашиб келаётган Наврӯз айёмида халқимиз кўнглини хушнуд этадиган бетакрор байрам тантаналарини тайёр-лаш, бу айёмни муносиб қўтиб олиш асосий мақсади-миздир.

М.БОЛЛИЕВА  
сухбатлашди.



### Ушбу сонда

#### НАВРҮЗ - ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ

..Газетамизнинг ушбу саҳифалари азалий ва абадий байрамимиз Наврӯзга бағишланди.

2-3

#### СҮНГГИ ИМКОНИАТ

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тadbирлари ҳусусида

4

#### ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

Италян адиби Томмазо Ландолфининг ушбу хикояси Сизни янада кизикарли саргузаштларга ошно этади.

8

**ТАЪСИСЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

**БОШ МУҲАРРИР:**

Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Асрор АҲМАДЖОНОВ  
Дилшод ИСЛОМОВ  
(масъул котиб)

Эркин ЙЎЛДОШЕВ  
Мэлс НАИМОВ  
Орипжон ХОЛМАТОВ

Лола ШОМУРОВА  
Бахтиёр НАЗАРОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Газета андозаси «Хуқуқ» газетаси компьютер марказида тайерланди.

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Хуқуқ» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

**Тахририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

**Телефонлар:**

13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси - 41.

Нусхаси 20085  
Буюртма Г-01112  
Қоғоз бичими - А-3.  
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Навбатчи  
**О. БЕГАЛИЕВ**

Мусаҳҳих:  
**М. ДУСИЯРОВА**

1 2 3 4 5 6 7

**Байрам тарихидан**

# ЯХШИЛИК, ЭЗГУЛИК КҮНЛАРИ

Наврўзни халқимиз уч ярим-тўрт минг йилдан бери байрам қилиб келади. Эсимда, болалик пайтларимизда, Наврўз бизнинг Самарқанд томонларда «Йил-боши», деб аталар ва у бир ойча довом этарди. Йиллар ўтиб, улуг бобомиз Абу Райҳон Беруний асарларидан ўқиб билсам, афсонавий Жамшиддан кейинги подшолар ҳам бир ойнанинг барча кунларини ҳайитга айлантирган эканлар. Умуман, қадимда Наврўз бир ҳафта, аниқроғи, олти кун байрам қилинган.

Абу Райҳон Беруний «Қадими халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай деб ёзади: «... подшоҳ Наврўз кунини (қайитини) бошлаб, одамларга ўзининг халқни қабул этиш ва уларга эҳсон қилиш мақсадида (тахтта) ўтиганини билдиради. Иккинчи кун мартабаси жуда юқори кишилар, яъни деҳқонлар ва (машҳур) хонадон аҳлиларини (қабул қилиш) учун ўтиради. Учинчи кун отлик сипоҳлари ва улу доғиш-мандлар учун ўтиради. Тўртинчи кун ўз уйдангалари, яқин ва махсус кишиларини учун; бешинчи кун эса, ўз ўғиллари ҳамда қарамогидоғи кишиларини (қабул этиш) учун (тахтта) ўтиради. Уларнинг ҳар

бирига хизматига лойиқ мартаба бериб, иззат-икром кўрсатади, лозим кўрган яхшилик ва инъомини тўла адо этади.

Олтинчи кун бўлгач, энди (шоҳ) халқ ҳаққини адо этишдан бўшаган бўлиб, ўзи учун Наврўз қилади. Ҳақда келтирувчиларнинг мартабаларига қараб, ҳадяларни ҳузурига келтиришга буюради ва уларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб беради, хоҳлаганларини хазинага қўяди» (араб тилидан Абдуфаттоҳ Раҳимов таржимаси).

Аён бўлаётирки, Наврўз - Йилбоши кунлари одамларнинг кўнгли овланадиган, бир-бировига хурсондчилик бахш этиладиган, совға-салом улашиб, мурувват кўрсатиладиган, ўзаро гина-қудуратлар унутиладиган, эзгулик, яхшилик, адолат ва саховат кунларидир. Шу боисдан Янги йил қадим-қадим замонлардан буюн умумхалқ байрами сифатида нишонлаб

келинмоқда.

Наврўз ҳақида халқ оғзаки ижодида сон-саноксиз кўшиқлар, термалар, афсона ва нақллар, ҳикматлар, мақоллар тўқилган. Уларда одамларнинг бу умумхалқ шодиёнаси ҳақидаги тушунчалари, орзу-умидлари, эзгу ўйлари, эътиқод ва инончлари ўз ифодасини топган.

Халқимиз эрта баҳордоғи ҳар бир янгиликни яхшиликка йўяди. Айтилик, ўлкамизга лойлак келди. Мана, бу ҳақда ўзбек нима дейди:

«Эрта баҳорда лайлакни кўриш бахтдан нишона. Лайлак қайси томондан кўринган бўлса, ўша томондан келган одам кишлоққа кут-барака келтираркан».

Ёки яна бир инончга эътибор беринг:

«Қалдирғоч, тўрғай, каптарин кўрган хонадонга кут келади».

Энди, мана бу гўзал удумларимизни бир ёдингизга келтириб кўринг:

«Наврўз кун одамлар отанаси, яқин кишилари, йигит-

лар унашилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар»;

«Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўз кун яраштириб қўйишган».

Асрлар мобайнида одамлар тажрибасидан ўтиб, халқнинг ахлоқий-маънавий дастурига айланган бундай эзгу, умминсоний удумларимиз беҳисоб. Гап биз - авлодларнинг бу улуг одатларга амал қилишимизда, уларни нанкин фақат қолбимизга, балки бутун вужуд-вужудимизга синдириб олишимизда! Зотан, ҳақиқий ўзбек фарзандининг сўзи билан иши доимо бир бўлиб келган...

Қадим-қадим замонлардан Наврўз байрами фарвардин ойда нишонланган. «Фарвардин» эса, паҳлавийча сўз бўлиб, унинг маъноси улуг аллома ва шоир Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» асарида ёзилишича, «жаннатлар»дир. «Бу ой ўсимликлар униб чиқишининг бошланишидир».

Яна Умар Ҳайём ўша тилга олинган рисоласида шундай дейди:

«Кимки Наврўз кун байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзга ҳам хуррам бўлади ва фароғатда яшайди».

Мен ҳам буюк Инсоннинг ана шу олтин тилагига тилақдош бўлиб, сўзимга нуқта қўйишни маъқул топдим.

Маҳмуд САБДИЙ.

**Миллий қадриятларимиз**

## ЮРТИМИЗДА НАВРЎЗ ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ КҮТИБ ОЛИНАДИ?

Водилликлар Наврўзни «Наврўз гули»сиз нишонлашмайди. Бу гулни териб келиш учун ёшларлар тоққа чиқадилар. Кечга томон кучоқ-кучоқ гул териб қайтадилар. Кўпни кўрган кексалар: «Наврўз келди, кут-барака келди. Шу кунларга етказганига шукўр. Тинчлик, омонлик бўлсин; шу яшатиш фаслига янаги йил, янаги баҳор ҳам эсон-омон, тўрт кўз тугал бўлиб етайлик», - деб гулларни ҳидлайдилар.

Лақай-ўзбекларнинг удумига кўра, Наврўз кун пайдо бўлган камалакка қараб сув сепилади. Шундай қилинса, гўё йил серёғин ва баракали бўлармиш.

Сурхондарёнинг Бойсун тумани аҳли Наврўз маросимида катта кўғирчоқ ясаб, унга аёл қийимларини кийгизиб, ясаб-тўсаб, одамлар қўлларига кўтарганча уйма-уй юриб, «Сус хотин» қўшиғини айтадилар. Баъзан маросимда кўғирчоқ ўрнида бирорта аёл катнашган. Хонадонлардан шу йўл билан озиқ-овқат махсулотлари йиғилган. Сўнгра бутун қишлоқ аҳолиси тўпланганлар ва йиғилган нарсаларни ўртага қўйиб, еб-ичиб ўйин-кулгу қилганлар.

Қашқадорёликлар одатига кўра, ёмғир ёиб ё бўлмаса бошқа сабабдан Наврўз кирган кунни тантана қилполмасалар, ўша кунни «кун бекор», деб атаганлар ва ўша кунни ўтказиб, эртасига байрам қилишган.

Юртимизнинг кўп гўшаларида Наврўз кун буй етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашади. Булоқлардан кўзаларда сув олиб келиб, ичига узук, исирга, танга ташлайдилар. Кейин қўшиқ, лапарлар айтишиб, сўвдан чиқариб олинган нарсаларни бахт рамзи сифатида эъзолаганлар.

Хоразмда баҳор байрами дастурхонига «Наврўзгўжа» кўйиш удуми бор. Наврўзгўжа масаллиги 7 хил дондан иборат бўлади: жўхори, бугдой, арпа, тарик, гуруч, ловия ва мош.

Наврўз кунлари Хоразмда ерларни чиғир билан сўғориш ишлари бошланган. Уша кунлари чиғирларнинг пири Ноилоқбува ҳаққига қурбонлик ва садақа қилинган.

Қорақўл тумани қишлоқларида Наврўзга атаб махсус ўрик шарбати тайёрланади. Айтишларича, илгарилари уйларга сандал қуриш учун лойсув оқ полдан чўқурча қазилган. Наврўз кун сандаллар сандал-ўчоқдан чиқорилиб, янаги қишга олиб қўйилган. Сандал учун қазилган ўчоқни қўлиб, устига ўрик шарбати томизилади. Шундан кейин киш бўйи сандалда ўтирганимиз учун оёқ қўлимиздан, белимиздан, бутун боданимиздан бодни суриб чиқарсин, деб ўрик шарбати ичилади.

**М. КУРБОННИЕЗОВА**  
тайёрлади.



Сирли ва ширин суҳбат

**Ҳаяжон**

## ТАШРИФТАНГНИ ЭЛ

Тинч-фаровон; меҳнатсевор эл-элати, замину замоннинг эрқа бир гўшаси беназир юртимизда, мустақил Ватанимизда Наврўз. Наврўзки, илиқ кунлар тафти кўнгиларни-да илитган, баҳорий кўёшнинг меҳр кўри оламини чайиб, кишиларнинг чехраларида қувончу оташ бўлиб балққан, кишни иссиқ-иссиқ кийимларда кўтариб ҳориган елкалар табиат турфа гулларга бурканганидек, баҳорий либослар ила ошно тутиниб, нафис енгиллик топган; тупроқ ҳарорати яўғрилиб куч олиб, кўкка интилмоқ - буй кўрсатмоқ умидида ниш ўрган уруғлар ҳаракати юракларда ҳам бир дунё тилак бўлиб, акси кўзаларда порлаган, митти курткалару-чечаклар кулгуси, сайроқи қушларнинг нағмалари шалолою шўх ирмоқларнинг куйловларидай камалақнинг товланиши; қапалақлар рақисдан қувонган жажжи ўғил-қизларнинг ўйин-кулгуларида, шодон кийкириқларида оҳангланган тенгсиз онлар, қизлар тоққан гулчамбарларда нурланиб, кўнгили чорлаган ишқу-муҳаббат дамлари...

Ер кўррасининг қайсидир нуқталарида уруш ўчоқларига ўт қаланаётган, гўнчадай фарзандлар, чинордай оталар, сарву суманбар оналар, гўлдай йигит-қизларнинг умри жоҳиллик, ваҳшийлик қурбони бўлаётган бир пайтда тинчлигимиз, мамлакат раҳбариятининг одилу оқилона сиёсати, оилавий хотиржамлигимиз қадру қиммати кўз олдимизда минг кўёшлардан ҳам юксалади, улғуворлашади. Зеро, мустақил Ватанимизда риққ ўчоқларига яхшилик учун ўт қаланиб, дошқозонларда сумалақлар осылган, сумалақ қайновига ҳамоҳанг ўйин-кулгулар қайноқ.

Бизни ўчоқ атрофига жаллаган қайгу эмас, шоду хуррамлик, улуг байрам. Ота-боболаримиз руҳлари ҳам шодланиб, теграмизда парвона бўлаётганига, кўнгилимизга янада кўтаринкилик бериб, қалбон жўр бўлиб бирга байрамланётганига шубҳа йўқ. Зеро, мустақил юрт фидойилари, бугунги жўшқин авлод уларга муносиб



Боқий қадриятлар

Хар баҳор яна ташриф буюрадиган Наврўзи оламни дилларда севинч, интиқлик билан кўтиб оламиз. Наврўз сайллари, базму жамшидларида баҳоли қудрат ёру биродарлар билан ҳушвақт бўламиз, бир-бирларимизга қувончу шодлик улошамиз, сумалак каби баҳорнинг тансиқ таомларидан баҳраманд бўламиз. Ана шундай қутлуг байрамнинг тарихи, инсон маънавий ҳаётидаги ижтимоий оҳамияти ҳақида батафсилроқ сўз юритиш учун тарих фанлари номзоди, «Наврўз тарихидан лавҳалар» китоби муаллифи Омонулло БҮРИЕВни мусохабага қорлошга жазм этдик.

-Бугунги яшаётган давримизни халқимиз учун ўзлигини англаш даври, деб атаган булардим. Чунки яқин ўтмишгача ота-боболаримиз орзу қилган, армуно ниятлари рўёбга чиқаётган замон келди. Халқимизнинг унутилаёзган ўтмиш қадриятлари, бой маданий мерослари, асрлар мобайнида эътиқод қилиб келган урф-одатлари ҳақида баралла айтиш, миллий байрамларимизни оммавий равишда нишонлаш бахтига муюсар бўлдик. Жумладан, муборак Наврўз айёмини катта тантаналар билан байрам қилишга эришдик. Биз Наврўзни табаррук аёна сифатида севиб тилга оламиз. Аммо, бунинг боисини баъзан ихозлаб ўтирмаймиз. Сиз, тарихий олим нукта назаридан, Наврўзнинг тарихий-ижтимоий муҳитини қандай таъкил қиласиз?

- Наврўз халқимиз тарихида узок замонлардан мерос қолган, табиат ва инсон ўртасидоги муносабат асосида вужудга келган муҳим тарихий аёнадир. У инсониятнинг илк тараққийёт босқирларида шакллана бошлаган маълум удум, урф-одатлари, қундалиқ турмуш эҳтиёжлари, атраф-муҳит, табиат омиллари билан таркиб топган. Наврўз асрлар мобайнида одомларда она Ерга ва табиатга меҳру муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва уни ардоқлаш тўғрисида тарбияланган. Меҳнат тарбияси, маънавий тарбияда муҳим аҳамият касб этган. У баҳор шодиёноси, ҳаёт нафосати. Шунинг учун бу улур маросим табаррук саналишга, оммавий тарзда нишонланишига ҳақлидир.

- Наврўзни нишонлаш - Шарқ халқлари, асосан, Марказий Осиё халқлари учун одат тусини олишининг сабаби нимада эди?

- Ёзма манбаларда Наврўз Шарқ ва Марказий Осиё халқларининг қадимги аёнаноси эканлигидан далолат берувчи бир қатор ривоятлар бор. Айрим маълумотларга қўра, Наврўз қадимги - Аҳомониёлар давридан (милоддан аввалги 558-330 йиллар) бошлаб одат тусига кирганини таъкидланади.

Шарқ ёзма меросида Наврўз ҳақида энг тула маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар мутафаккир олимлар Абу Райҳон Беруний (973-1048) «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Масъудий» ва «Ат-таҳҳим» асарларида ва Умар Ҳайёмнинг нодир асари - «Наврўзнама» рисоласида ёзиб қолдирилган.

Наврўзни нишонлаш одамларнинг Ер ҳақида, унинг қонинотдоги ўрни ҳақида тажрибаларга таянган ҳолда мулоҳазалар юрота бошлаган даврига тўри келади. Беруний ёзганларидан хулоса қилсак, бундай тасаввурлар Шарқда анча қодимдан мавжуд бўлиб келганини аниқ ойна кўрсатади.

Наврўз асрлар давомида кишилар турмуш тарзига сингиб кетган аёна эди. Урта Осиё халқлари ўзларининг қадимий урф-одатларига жуда қучли эътиқод қилганлар. Қадимий қадриятлари, удумларини белгиловчи Наврўз эса халқимизнинг миллий байрами эди. Шунинг учун у ўзига хос расм-русумлар билан кенг нишонланган.

- Наврўзни янги кун, йил боши, баҳор байрами, деб ҳам атаймиз.

- Наврўз, яъни янги йил қуёшнинг йиллик ҳаракати билан боғлиқлиги ҳақида Беруний томонидан таъкидлаб ўтилган. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида у шундай ёзади: «Наврўз кунда бир соат (пайт) бор, шу соатда фируз (яъни баҳт) фалаки руҳларни маҳлуқотни яратишга ҳайдайди», - деб яна: - «У куннинг энг саодатли соатлари қуёш соатларидир, унинг тонгида ёруғлик имкон барича (ерга) яқинлошади, одомлар унга қараш билан ўзларини бахтли санайдилар». Беруний ёзганларига диққат билан қаралса, унда илмий географик тушунча - қуёшнинг йиллик ҳаракати, экватордан шимолий ярим шарга силжиши, куннинг узайиб бориши, қуёш нурунинг ерга тобора тик туша бошлаши, натижасида кунлар исши, бирин-кетин баҳор ва ёз фасллари келиши ҳақида сўз юритилгани аён бўлади.

Янги кун туғилади. Яна баҳор

# ТАБИАТ ВА ИНСОН БАЙРАМИ

келиши билан табиат қайтадан уйғонади. Дехқон ерга уруғ қадар экан, яхши ният қилади. Бу ҳаётнинг давомийлигини билдиради. Шунинг учун одамлар Наврўзни ҳаётдаги энг ёрқин ва табаррук кун, деб билиб, уни шоду хуррамлик билан ўтказишга интиладилар.

- Улиб-чириб бораётган шўро тузумининг сўнгги кунларида ҳам қалтабин сибсат туғайли Наврўзни диний байрам, деган баҳона билан таъқиқлаб қўйилди. Унинг ўрнига сохта, ёлғондакам тўкиб чиқарилган тадбирларни тикштириш билан халқимизнинг ҳақ-хуқуқини поймол этишга, миллий қадриятларимизни обқости қилишга уриндилар. Аммо, кўп асрлик тарихий, ижтимоий-миллий шарт-шароитларга қўра таркиб топган Наврўз яна тантанани кўлди.

- Ислол динига келсак, у аввалом бор Арабистон ярим оролида, иккинчидан, эса милоднинг еттинчи асрида пайдо бўлган. Арабистонда илгари Наврўз нима эканлигини умуман билмаганлар. Беруний ёзганларидан яна бир нарсга, яъни Наврўз аёнаосини ислом ақидаларига зид қўймаслик

сиёсати, исломнинг дастлабки йилларидаёқ бошланган ва кейинчалик у ривожлантириб борилган. Наврўз байрами кўгина халқлар ўртасида жуда ҳам кенг тарқалган аёна бўлиб, уни йўқотишининг йилга йўқ эди. Кейинчалик Наврўз байрамлари билан аста-секин ислом маросимлари ҳам қўшилиб кетади. Бу аёналарга баъзи жойларда тула, айрим ерларда эса маҳаллий расм-русумларни қисман қўшиб амал қилганлар. Натижада вақт ўтиши билан дин аёналари, миллий, маҳаллий удумлар боғлиқиб кетган.

- Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистоналар.

Дўстлар, ганиматдур, сайр эшиг гулистоналар.

Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам.

Гул ура тамби кам-кам, ёди абри пайсоналар.

Сизнинг «Наврўз тарихидан лавҳалар» китобингизда ҳассос шoir Фурқатнинг ушбу сатрларини ўқидим. Унда Наврўз удумлари ҳақида тўхталиб, Фурқатнинг баҳор айёми аяна шундай тасвир этганини ёзгансиз.

- Янги йил келиши билан янги кун туғилади, қалбларда, янги орзу умидлар бошланади. Баҳор келишини оммавий сайллар, гул байрамлари, сумалак пишриш каби турли удумлар билан кўтиб олинади. Наврўз дастурхонлари безатилади. Сайллар аёнаосига қўра, турли ўйинлар қураш, чавандоз пойгаси, кўпкари тортишиш ўйинлари билан янода қизқарли ўтади. Наврўз халқ сайли бўлгани сабабли унда лапар, достон, айтишувлар айтиш қадимдан одат ҳисобланган. Қадимги ақидаларга қўра, Наврўз кунини ўйин-қулгун, шоду хуррамлик билан ўтказган киши йил давомида ана шундай қувноқликда умр кечирар экан.

Истиқлол шарофати билан қулгун айёми муносиб кўтиб олиш бахтига эришдик. Ассийси, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм суриб, халқимиз турмуш фаровонлиги тоъминланган экан, шу кунларга етказганига шўқроналар айтгани ва хар кунимиз Наврўз бўлишини тилагим келади.

Меҳробу ҚУРБОННЇЗОВА суҳбатлашди.



Байрам қувноқ ўйин-қулгулари билан гўзал.

## Ҳаяжон

Баҳор - ер юзинигина эмас, инсоннинг муйроқ хисларини ҳам уяғитиб, гайратига-гайрат қўшиб, ҳаётга ундовчи фасл. Ёшдан қорига-ча, эркакдан аёлгача узок, зерикарли қишдан эсон-омон чиқиб олганидан хурсанд. Энг улур байрам - Наврўзи оламни кўтиб олиш учун таёғрарлик мавжуд. Борлик жолла-нишда:

Саба эснаюрда йиғоч бонг солар, Булут йилгаюрда, чечаклар кулар. Ана шундай фараҳбахш кунда арик-ховузларни, кўча-қўйларни узгача бир гайрат билан тозалаш, дав-дархотларни қузаш халқимизда азалий одат.

Беморларга, гарибларга ёрдам, далда бериб, кўнглини овлаш, аразлаганлар ярашиб, янги йилни - Наврўзни, покиза табиатни покиза рух билан кўтиб олиш қандай саодат! Булар бизга азалий мерос ва бу ворисийликни туниш қандай бахт!

Халқимиз Наврўзга тайерланар экан, эркаклар ҳалим, аёллар сумалак пишришига ҳозирлик қурадилар. Ювнинг-таранган - таҳорат олган қиз жуванлар бошларига рўмол ўраб, сара будойни яна бир марта - бит-тара битта кўздан кечирдилар. Шундан сўнг покиздан номоздан аёл будойни бегона кўздан пона жойда ундирди. Бундой-етилгоч, ёш-япағлар, совоб толаб келинчақлар майсани янчиб, сувини қозонга солгунча хизматда бўладилар. Чоқон келинлар ҳамир қориб, чолпақ, халваиктар қиладилар. Хар ким пишриган таоми-

## БУЛУТЛАР ЙИҒЛАЮРДА, ЧЕЧАКЛАР КУЛАР

ни ўртада биргалашиб баҳам қуради. Сумалак қовлаш ҳам талаш, навбати кейин бўлади. Чунки уни қовлаган пайтда қилинган ният, албатта, ижобат бўлар эмиш. Бунда ҳам покизаликка катта эътибор берилади. Бир кун олдин қиз-жуванлар бошларини явиб, қошга ўсма, кўзага сурма қўядилар - ўсма, сурма қўйиш совоб эмиш. Айниқса, шу кун кишилар ҳар кунгидан ҳам эртарок туриб, ўзларига оро берадилар, кўча-ховуларини сурпурадилар. Қайинсингилларининг сочаларини талим-толим қилиб, май-далаб урадилар. Ерларини, қайналарини ҳалим қилинаётган жойга, қўпкарига, қурашга - сайга қузатар эканлар, қайинлари орқорда қолиб, келин ойисига кечати сири яна эслатади. «Қайним - қаймоқ ёғиш, деганларидек, келинларнинг қайчи-қили, қайналарнинг янасига меҳри бўлоқча. Уша кун сай баҳона қайналарнинг дил сўзларини уларнинг қўнғил қўйган қизларига етказиб келинбайларнинг зиммасида. Ёш-япағ, қиз-келиндар доира чертиб, қўш-лопарлар айтиб, рақсга тушиб, қўш-қилчалар учиб, ўйнаб-қулишар экан, келинлар қайналарнинг илти-

масини ҳам унутмайдилар. Тақдир бўлиб, улур турмуш қурганларидан кейин ҳам қайналардан миннатдорлик хисси йўқалмайди, овсинлар опасиниғдек бўлиб кетадилар. Сумалак пишгунча ёшлар навбати билан ўйин-қулгун қилар эканлар, кекса анахонлар оятлар ўқийдилар, шариятдан-тарихатдан гапириб, ёшларнинг қўзоғига қуядилар. Қизларнинг териб келган чечакларни бирма-бир кўзага суртган эканлар: «Омонлик-сононлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, Оллоҳ, шу кунларга етказганга шукр!» - деб шўқроналар айтадилар.

Сумалак пишган, сумалакнинг ўнағига фарзандталаб аёлни туширадилар. Сумалакнинг қозонини ялаш, унч ювиш ҳам талаш, хулоса: «Мен бу ишга қилдим, энди сен бунча қил», деб сансалорлик қилиш, чор-чақ йўқ. Ҳамма жондиги билан меҳнат қилади, қилган юмушидан зовқ-бахра олади...

Элимизда азолдан хар йилли Наврўз шундай ўтади...

Машҳура САБДИНОВА, Тошкент шаҳридаги 283-мактаб муаллимаси.

## БЎЛИБ КУТДИК

бўлоқ йўлидан бормоқдалар, замонамиз қаҳрамонлари бисёр. Ватан ўз фарзандларига ишонди. Хар бир соҳа гуркираб ривожланоётган палла. Наврўз қуёши нур устига оёла нурлар бўлиб, ризку насиба ҳазиналарини ёритмоқда.

Назаримда, кўп-кўп ёққан қорлар бизга тангрининг бир яхшилиқ, раҳматидай, ўтган ота-боболаримиз қор - ризқ бўлади, дейишган. Нуроний отахонлару анахонларимиз бугун шу сўзларни шўқроналик билан тақорр айтмоқдалар, кексаларнинг гапи беками-қўст бўлғой. Бизга қуёш қулиб боққан янглим дехқончилик йилмиш ҳам қулиб боқсин, деб ниятлануримиз. Бу йилга Наврўз ана шу ниятлардаги ризқ дастурхонини кўтариб келаётгандай. Қиш ҳақиқий қишдай бўлиб ўтганлиги, ўш неъматларини ямаганлиги каби баҳору ёзи ҳам ўзига ўхшаб ўтишига, ҳолис орзуларимиз табиатнинг инъомлари бўлиб товланиб қайтишига ишонгимиз келади, кузак ҳам қаторида турар, албатта.

Эзу ўйлар билан қадимий йил бошида Наврўзга бўйлашиб турибмиз. Бизнинг шарқий бир ибратли удумимиз ҳаёлимизга келади, яъни агар икки тараф жанг қилаётган бўлса, бу байрамда ана шу жангни тўхтатиб, иккала томон ҳам бир дастурхон атрафида гина-қудуратсиз ўтириб байрам қилишар ва ярашиб кетиш ҳоллари ҳам қузатилар экан. Қай ўлкаларда ўртаноётган, жафо чекаётган инсонларга ана шу тилагимиз бор. Наврўз оламни нафақат гулга, балки тинчлик-осойишталикка ҳам бурқисин, кўнғиллар яшасин, умрлар яшасин. Борлиқда бор бўлсин одамзод! Эрку иқбалимизга беадад шўқрлар ила хўш келибсан Наврўзи олам, дейимиз!

Ташрифининг эл бўлиб кутдик, Замин бўлидик самоланди дил.ж  
Қуёшигга осмонни тутдик,  
Турп - сенига очилган кўнгла.

Дилором ҚҶЗИЖОН қизи.

### Мутахассис шарҳи

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шў кунларда ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб масалого айланган. Бунга мисол сифатида 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш тўғрисида» Қонунни келтириш мумкин. Бу Қонун қисқа фурсат ичида тайёрланиб, атрофича муҳоқмадан сўнг ҳайъта йўлланма олади. Хўш, мазкур Қонун қабул қилинишининг асосий сабаблари нималардан иборат?

Бизнинг дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда, ўтган йилни республикамизда 600 дан зиёд хўжалик зарар билан ачулган. Очирғини айтишдан бўлса, иқтисодий жиҳатдан ночор, иш-лаб чиқариш издан чиққан, деҳқонга меҳнатига яроша маош бериш, зарур техника, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, ўғит ва уруғ, янги иш жойлари билан таъминлаш, ёрдамчи ва кичик қорхоналар ташкил этиш каби масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш ва мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яқинлашга молиявий қурби етмайдиган хўжаликлар деярли ҳар бир туманда топилади.

Белгиланган вазифаларни мунтазам равишда бажармай келаётган, оқибатда молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиб, улкан дебиторлик қарзлари ва тўловлари зиммасида бўлган, яъни банкротлик ҳолатига яқинлашиб қолган қишлоқ хўжалик қорхоналари тақдирини ҳал қилиш бўйича тақлиф ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни тайёрлаш мақсодида Президентимизнинг 1997 йилнинг 29 октябрда «Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди.

Бу Фармон «Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишига асос бўлди. Ушбу Қонун 23 моддadan иборат бўлиб, унинг 1-моддасида санациянинг мақсади ва асосий вазифалари белгилаб берилган. Унга қўра, санация қилишдан мақсад, қишлоқ хўжалик қорхонасининг тўлов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ва келгусида фаолиятни самарали бўлиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Асосий вазифалари эса, қишлоқ хўжалик қорхонаси фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни тақомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардор маҳсулот этиштириш ва уни реализация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, қорхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашдир.

Қонуннинг 3-моддасида зарур қўриб ишловчи, тўлов қобилиятига эга бўлмаган ва иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалик қорхоналари санация объектлари, улар мол-мулкнинг мулкдорлари, кредиторлари ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслар санация субъектлари бўлади, дейилган. Санация қилиш бўйича давлат сийосатини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ваколат берилган санация ишлари бўйича орган - ваколатли орган амалга оширади.

Санация қилиш вақтида эътиборга олинмаган хусусиятлар Қонуннинг 6-моддасида батафсил ифода қилинган. Улар қуйидагилар:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг озиқ-овқатлар этиштиришга қаратилган ва стратегик йўналишлари;
- ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ердан оқилана ва аниқ мақсадларни қўлаб қўйишнинг таъминлаш зарурлиги;
- қишлоқ хўжалиги қорхонаси фойдаланаётган ернинг ҳолати;
- ишлаб чиқариш ҳараётининг маъсумийлиги ва давом этиш мuddати;
- ишлаб чиқариш натижаларининг табиий иқлим шароитларига боғлиқ эканлиги;
- даромадлар юзига келиши ва улардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари.

# СЎНГГИ ИМКОНИЯТ

Санация давлат маблағларини жалб этган ёки жалб этмаган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин. Санация қилиш жараёнида давлат маблағлари қайтариб бериш асосидаги жалб этилади.

Санациянинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- зарар қарз суришишни ташкил этиш;
- мuddати ўтган қарзларни тўлиқ ёки қисман сўтиб олиш;
- солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ва давлат кредитларини қайтариш мuddатларини санация мuddатига узайтириш;
- қорхонани рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаб қайта иқтисослаштириш;
- ташқаридан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;
- ходимлар малакасини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги қорхонасининг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг ўз фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

- қорхона ўз фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тегишли қарзларни тўлаш мuddатини узайтириш ва уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзларнинг муайян қисмидан кечич тўғрисида қорхона ва кредитор(лар) ўртасида битим тузиш;
- ташқаридан бошқаришни жорий этиш;
- қорхонани қайта ташкил этиш.

Қонуннинг 11-моддасида белгиланганидек, қишлоқ хўжалиги қорхонасининг молиявий аҳволи кай даражадалигига қараб, санациянинг ҳар хил шакллари ва турлари қўлланилади.

Маълумки, республика бўйича жами 104 та хўжалик санацияга тавсия этилган бўлиб, жорий йилнинг 15-16 январь кунлари республика комиссияси ва вилоятлардаги комиссиялар томонидан тегишлича прокуратура идоралари ҳужжатлари билан биргаликда ушбу хўжаликларда умумий йиғилишлар ўтказилди ва уларга санациянинг турларидан бири бўлган «ташқаридан бошқариш» жорий этилди.

9-модда талабига қўра, қишлоқ хўжалиги қорхонасини санация қилиш учун сарфланадиган моблағ манбалари қуйидагилардан иборат:

- қорхона мол-мулки мулкдорлари, кредиторлар, қорхоналар бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатилмаган молиявий ёрдам;
  - давлат маблағлари;
  - қишлоқ хўжалиги қорхонасининг ўз маблағлари;
  - қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа маблағлар.
- Қонуннинг 22-моддасида санация қилишнинг тўхтатилиши асослари белгиланган. Унга қўра санация қилиш:
- уни ўтказиш учун белгиланган мuddат тугагандан кейин;
  - қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бажарилмаётганлиги сабаб-

ли;

- санация қилиш бечасар эканлиги аниқланганлиги муносабати билан тўхтатилиши мумкин.

Санация қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга мувофиқ ҳам тўхтатилиши мумкин.

Санация қилишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни ваколатли орган чиқаради.

### Хуқуқингизни биласизми?

Хурматли таҳрир! Хўшимлар! Менинг қуйидаги саволимга газетая орқали жавоб берсангиз.

Шу йил қиш ойида Чалонзор савдо марказидан чет элда чиқарилган электр сув қайнатгич харид қилдим. Лекин, қайнатгичнинг яроқсиз эканини уйга келгач биддим. Уш савдо марказига олиб бориб, илгисига алмаштирсам бўладими?

Акбар Тўхтабоев,  
Қўйлик 5-даҳаси.

Албатта, бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Сиз товарни танлаб олишга ва сифатини талаб қилишга ҳақлисиз. Мазкур Қонунда носоз ёки нуқсонли товарни сифатлисига алмаштириб олиш ҳам белгиланган қўйилган.

Бунинг учун нуқсонли товарни сотиб олган харидор сотувчидан ана шу товарни сифатлисига алмаштириб беришни ёки товарнинг нуқсонини бартараф этишни талаб қилиши керак.

Фақат шарти шуки, бу талабларни қўйиш учун Сиз товарни сотиб олганлигингиз ҳақидаги касса чекига эга бўлишингиз керак. Айни пайтда, товарни алмаштириб бериш ёки қайтариб топширишни талаб қилишнинг Қонунда белгиланган қўйилган мuddатларини билиб олишингиз лозим.

Қонунда биноан сотувчи товарни алмаштириб бериш тўғрисидаги талабни 7 кунлик мuddатда бажариши шарт. Агар, товарнинг айнан шу хили йўқ бўлса, харидорнинг талаби бир ой мuddатда қондирилиши керак.

Ва ниҳоят, агар сотувчи носоз, нуқсонли товарни икхтиёрий равишда алмаштириб беришдан ёки пулини қайтариб беришдан бош тортса, ўз хуқуқингизни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Юридик маслаҳатхона.

### «Қонун ҳимоясида» журнали саҳифаларида

## ҚАЛБИНГИЗГА ЙЎЛ ТОПАМИЗ

Оммабоп юридик журналнинг босмадан чиққан 2-сонидан ҳам рангбаранг мавзулардаги қизиқарли материаллар жамланган.

Шуниси диққатга сазоворки, республика прокуратураси фаолиятидаги катта ёрдамчи Асror Аҳмаджонов билан суҳбатларда қизиқарли фактлар



прокуратура фаолияти хроникаси рункида берилган материаллар Фарғона водийси вилоятларида, хусусан, Наманган шаҳрида вужудга келган криминаленоген вазият ва уни бартараф этишда прокуратура қўрган қатъий чоралар тўғрисида маълумот беради.

Шу йил 1 январдан кучга киритилган Фуқаролик процесуал кодекси ҳар бир фуқаро ўқиб-ўрганиши шарт бўлган муҳим қонунлардан биридир. Республика прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Б.Пўлатов ва юридик фанлари доктори Ш.Шораҳметов қаламига мансуб, ушбу кодекс шарҳига бағишланган икки мақола Сизга кодексини чуқурроқ тушуниб олишга кўмаклашоди.

Муस्ताқил давлатимизда жомоатчилик фикрини ўрганишга эътибор қўйилганини шундан ҳам билсақ бўладики, эндиликда республикамизда Ижтимоий фикр жомоатчилик марказининг фаолияти тобора жонланмоқда. Марказ томонидан ўтган йили ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижалари қандай? Бу саволга жавобни «Ижтимоий адолат,

қонунчилик ва жомоатчилик фикри мақолада» топасиз.

Журнал саҳифаларидан ўз муҳбирларимиз у ю ш т и р г а н қизиқарли ва долзарб суҳбатлар ҳам ўрин олган. Чунончи, Сурхондарё вилоят прокурори Шовкат Шуқуров, Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Асror Аҳмаджонов билан суҳбатларда қизиқарли фактлар

талойгина.

Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Бу соҳада хорик мамлакатларидан ҳам диққатга сазовор тажрибалар оз эмас. «Хорижда ижтимоий ҳимоя» мақоласининг муаллифи Даврон Аҳмедов ана шу хайри мавзунни ёритган. Журналнинг 1-сонидан берилган ёбобурийлар салтанатида давлат бошқаруви» мақоласи озиё ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмаган, деб ўйлаймиз. Ушбу мақоланинг давми ҳам бобурийлар салтанатидаги давлат бошқаруви идоралари тизими ҳақидаги қимматли маълумотларга бой.

«Дунёнинг машҳур жосуларини» рункида эса Исроилиннинг №1 жосуси ҳақидаги материал эътиборингизга ҳавола этилган. Ёзувчи Ғайрат Раҳматуллаевнинг «Нафс сиртмоғида» детектив қиссасининг давомини кўпчилик сабрсизлик билан кутаётган бўлса, ажаб эмас. Қиссанинг давомиди ҳам воқеалар шиддат билан ривожланиб боради ва албатта, мароқ билан ўқилади.

Н.БАХТИЁРОВ.

Фулмон ШУКУРОВ,  
Республика прокуратураси  
умумий назорат бошқармаси  
катта прокурори.



Ислоҳот ва масъулият

Тошкент вилояти прокуратура идоралари ўтган йилда умумий назорат соҳасида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун ва Бош прокуратуранинг 4-сонли «Қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ - ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

сифат ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги буйруғи талаблари асосида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва уларни чуқурлаштиришга, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан қатор текширишлар ўтказди. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, халқ ҳўжалигида ўзаро ҳисоб-ки-тоблар ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, банк фаолияти, пул-кредит, таъшиқ иқтисодий фаолият, солиқ ва бошқона, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ижара, ер тўғрисидаги ҳамда фуқаролар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид қатор қонунлар ижроси қуқур ва атрофида ўрганиб чиқилди. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун ва «Бозорлар фаолиятини ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг қўшимча чоралари ҳақида»ги Президент Фармони ижроси кенгайтирилган Мундофиқлаштирувчи кенгашида, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ижроси аҳоли кенгайтирилган ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилинди. Ушбу йўналишларда қонун устуворлигини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кенчиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. Ил давомида вилоятда қонун устуворлигини таъминлашда умумий назорат фаолиятининг сифат ва самарадорлигини оширишда вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими ва жойлардаги прокурор ҳамда шу соҳага масъул бўлган ўринбосар ва ёрдамчиларнинг топширилган иш юзасидан масъулият, шунингдек, жавобгарлигини ошириш, уларнинг касбий билим ва маҳоратларини кўтариш чоралари кўрилди. Янгийўл, Пискент туман прокурорлари, Олмалик ва Янгийўл шаҳар прокурорларининг ўринбосар ва ёрдамчилари умумий назорат бўлимида иш ўргандилар. Чирчиқ шаҳар, Бўқа туман прокурорларига, Олмалик шаҳар прокурори ўринбосари ва Зангиота туман прокурори ёрдамчисига яққа топшириқлар берилиб, натижалари муҳокама қилинди. Тузилган иш режасига мувофиқ мунтазам равишда ҳар ойда бир мартаба оялик иш натижалари бўйича бўлим ходимлари ва жойлардаги ушбу соҳага масъул бўлган ходимлар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, ҳато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқ ва топшириқлар бериб борилди. Республика прокуратураси томонидан Тошкент вилоятида чорва бош сонини сақлашга қаратилган қонунлар ижроси бўйича ўтган йили умумий назорат соҳасида амалга оширилган иш натижалари ижобий баҳолини, тажриба оммалаштирилди.

Биз қишлоқ ҳўжалигининг республика иқтисодиётида тўтган муҳим ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида муайян режа асосида бир қатор текши-

ришлар ўтказдик. Бугун барча қишлоқ ҳўжалиги республика иқтисодиётининг асоси, ислохотларнинг етакчи соҳаларидан бири, қолаверса, эл маъмуричилигининг бош амали эканини чуқур англаб етмоқда. Аммо, бу соҳага бевосита масъул бўлган, иш бошида турган баъзи раҳбарлар зиммаларидаги масъулиятни ҳис қилмасдан бепарволикка, жинойий совуққонликка йўл қўйишмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши, соҳода ислохотларни олиб боришга қаратилган республика Президентини фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда мутахассислар иштирокида «Ер тўғрисида» ги Қонун, қишлоқ ҳўжалиқ техникисидан оқилана фойдаланиш, чорва бош сонини сақлаш, мулкка муносабат, ижара ва соҳа ишига доир бошқа қўллаб қонун ҳамда қонуний ақтлар ижроси бўйича текширишлар ўтказилди. Ҳар бир текшириш натижасида юзасидан лозим даражада прокурорлик таъшиқ чоралари қўлланилди. Биргина ердан фойдаланиш юзасидан олиб борилган текширувлар натижасига кўра, ноконуний ақтларга нисбатан 15 та протест келтирилди, 44 нафар шахс интизомий, 15 таси маъмурий жавобгарликка тортилди. Аниқланган жиддий қонун бузилиш фактлари бўйича 5 та жиноят иш қўзғатилди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиқ техникисидан қонунга зид равишда фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш учун мансабдор шахсларга 103 та тақдимнома киритилди, 102 шахсга амрнома берилди, 200 нафар шахсга интизомий, 45 нафарига маъмурий жазога, 177 шахс моддий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, 75 ҳолат бўйича етказилган моддий зарарни суд тартибидо ундириб олиш юзасидан дўвбо аризалари қўзғатилди.

Вилоятда республика прокуратурасининг 1997 йил 27 октябрдаги «Қишлоқ ҳўжалигида тўб ислохотларни амалга оширишда қонунчиликни таъминлашнинг долзарб вазифалари ҳақида» ги ҳайъат қароридан сўнг қишлоқ ҳўжалигидаги қонунчилик аҳоли чуқур таҳлил этилди ва натижалари умумлаштирилди. Вилоят прокуратурасининг 1997 йил 12 ноябрдаги кенгайтирилган ҳайъати йиғилишида муҳокама қилиниб, соҳода қонунчиликни мустаҳкамлашнинг йўл-йўриқлари белгилангани олиди ва махсус тадбирлар мажмуиси ишлаб чиқилди. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда чуқурлаштиришда қонунчилик ролини ошириш ҳақидаги ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратурининг буйруғи билан мутахассислар иштирокида махсус гуруҳлар тузилиб, иш олиб борилмоқда. Ушбу гуруҳлар томонидан вилоятнинг Чиноз, Бўқа, Оққўрган, Бекобод, Пискент ва Қуйи Чирчиқ туманларида текширишлар ўтказилди. Улар натижаларига кўра, 1997 йилнинг 27 октябридан 1998 йилнинг январига қадар бўлган вақт ичида 8 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилди, 11 тақдимнома киритилди, 61 шахс моддий ва шунча шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, 49



раҳбарлар кўнгилларига сиканчи талон-тароқлик билан шугулланиб, жамоа ҳўжалиги мулкни ўз мақсадлари йўлида ҳеч қандай андишга боришмасдан ишлатиб юборишмоқда. Буни умумий назорат тартибидоги текширишларимиз натижалари яққол кўрсатиб турибди. Шундан баъзиларига тўхталиб ўтсак...

Қуйи Чирчиқ туманидаги «Меҳнатобод» жамоа ҳўжалигида текшириш ўтказилганида, бош-қарув раиси У. Юнусов бош ҳосилот Н. Турганов билан биргаликда фуқаро З. Аҳроровга ҳўжалиқ мулк бўлган 4 тонна шолини 84 минг сўм нақд пулга сотиб юборгани аниқланди. Сотилган сотишгану, аммо бу пулни кассга қирим қилишмасдан, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборилган. Оқибатда ҳўжалиқка катта миқдорда зарар етказилган. Шунингдек, Пискент туманидаги Алишер Навоий номи жамоа ҳўжалигида нефть маҳсулотларини қабул қилиш, соқлаш, ишлатишга ҳамда ҳисоб-китоб ишларига масъул бўлган моддий жавобгар шахс И. Деҳқонов 816 литр дизел ёқилғиси ва 617 литр автобензинни ўз мақсадлари йўлида ишлатиб юборган. 1996 йилда эса, сарф меъёрини сўний равишда ошириш ҳисобига 9589 литр бензин ортиқча сарфланган.

Юқоридаги шахсларга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Гофур Ботиров 1996 йил ноябрь ойда Бўқа туманидаги «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги раис қилиб тайинланган. У мансаб кўрсисига бериб юборган. Текширув кўнига қадар ўрнига ҳеч нарса келтирилмаган. Сир фош бўлиб, факт маъмурий идоралар томонидан ўрганила бошлангач, ҳайтовоклар икки томонлама қалбаки «шартнома» тузган. Унда олинган махсулот эвазига вино берилиши кўрсатилган. Аммо, уларнинг бу ҳаракати ҳам наф бермоди. Ф. Ботировга нисбатан Жиноят Кодексининг 205-моддаси, 2-қисми «в» банди билан жинойий иш қўзғатилди.

Юқорида халқ ҳўжалиги, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ислохотлар кутилганидан сўст келаётганини фактлар асосида қўриб ўтдик. Соҳода ислохотлар сўст келаётганининг қўллаб-қувватлаш чоралари бор. Бунинг биринчиси баъзи мутасадди раҳбарлар қонунга беҳурматлик билан қараб келиш-кетиш бўлиши, иккинчиси раҳбар кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишдаги жиддий ва кечириб бўлмас ҳаттиқларга йўл қўйишга тандир.

Шу йилнинг ўтган икки оини мобайнида 236 та текшириш ўтказилиб, 238 та протест келтирилди. 267 тақдимнома, 166 амрнома киритилди. 1037 шахс расман оғоҳлан-тирилди, 351 киши интизомий, 483 киши маъмурий, 359 киши моддий, 75 киши жинойий жавобгарликка тортилди.

**P.S. Газета саҳифаланаётганда Тошкент вилояти қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидан шундай хабар олдик: Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У. Иномжонов томонидан қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимнома муҳокама қилинган. Бекобод, Бўқа туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиқлари, 21 та ҳўжалиқ бошқаруви раислари вазифасидан озод этилган. Пискент, Қуйи Чирчиқ, Чиноз туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиқларига ҳайфсан берилган.**

## Жиноятга жазо муқаррар

## ҚАЛТИС ҚАДАМ

Акмал Икромов туманидаги маҳаллалардан бирида содир этилган оғир жиноят, яъни қотиллик бутун милиция ходимларини оёққа турғазди. Шаҳар милиция бўлими навбатчилик қисмига тушган хабардан кейин дарров тезкор вакил ва ҳудуд вакилларидаги иборат турух воқеа содир бўлган жойга етиб боришди. Хонадон дарвозаси ва унга туташ деворлар ёнида ерга ястаниб ётган оппоқ қорда қон излари кўзга аққол ташланади. Дўхтирларнинг хулосасига кўра, жабрланувчининг қўли жойига пичоқда тан жароҳати етказилган. У тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун касалхонага олиб келиш чоғида оламдан кўз юмади.

Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Раҳматулла Шукуровнинг гапларини эшитган ҳар қандай ташаббусларнинг ҳам кўнгли бузилади.

Хабарни олишимиз билан воқеа жойига бордик. Хонадон эгалари мотамда. Уларни ҳам тушуниш мумкин. Эндигина 30 ёшга кирган ўлидан ажралиб қолиш ота-она учун оғир жудолик. Уларни бирма-бир сўхбатга тортиб, қотил тўғрисида маълумот олмақчи эдик. Афсуски, натижа кўнглидагидек бўлмади. Фақатгина бева қолган келиндан эрини соат 21.00 ларда қандайдир Баҳром исми киши келиб сўради, деган гапларни эшитдик, холос. Қотил ҳақида бўлса маълумот бўлмади. Асосий иш яна ўзимизга қолди. Жиноят қидирув бўлимига тез-

кор вакили, милиция капитани Қодиржан Қўзиев, ҳудуд катта вакили, милиция капитани Рустам Татиев ва бошқа ходимларнинг ўз ишларига виждонан ёндашишлари натижасида қотил ёлга олинди. Воқеа қандай бўлганди...

Садир (жабрланувчининг исмини ўзгартириб бермоқдамиз) Баҳром билан Тошкент «Отчонар» базорида танишиб қолган. Бир-икки бор ўзаро ҳамкорлик қилиб, ўл-бўл нарса сотиб, фойда кўришган. Бора-бора иқтисодий ҳамкорлик, олди-берди кучайиб, фойда ҳам кўпайган. Садир Баҳромдан айлантриб туриш учун 3 миллион сўм пул бериб туришини сўрайди. Баҳром маълум бир муддат ичиде қайтариш шорти билан қарз беради. Садир пулни ишлаб, қўшни вилоятлардан моя олиб келиб, фойда кўради. Бироқ, қарзни ўз вақтида узиш тўғрисида бош қотирмайди. Баҳром қарз тўғрисида унга бир неча бор эслатади. Аммо, ҳадеганда Садирдан жавоб бўлавермайди. Бир куни улар пул устида сан-манга бориб қолишади. Яхшиямки, уларнинг жанжали тинч йўл билан барҳам топди. Бироқ, ички адоват ўти кундан-кунга алангалониб, янада кучаяди. Баҳром ўша куни ҳам Садир билан учрашиб, қарзини сўради. Яна жавоб бўлмайди. Баҳром охири унинг уйига бориб, қарзини ундиришга қарор қилади.

Кечки пайт у уй эшигининг кўнгирак тўғмасини босади. Дар-

воза эшигини ёш келин очди. Келин эри йўқлигини айтган, оstonада турган киши «Баҳром келиб кетди», деб кўярсиз дея орқага қайтади. Аммо, у пулни олиш умидини узмаганди. Уй атрофида ўралошиб юриб, Садирни пойлайди. Ва кутиб олади...

Хонадондагилар Садирнинг «Баҳром ака, қўйинг», деган овозларини эшитишган. Аммо, шундоқ, эракчасига гаплашишга тўтандир, деб ўйлаб кўчага чиқшмаган. Гап-сўз тамом бўлгандан кейин чиқиб қарашса, Садир оғир аҳволда ётганди.

Қўриб турибсизки, пул учун бир кишининг жони бевоқт узилди. Ҳар қандай пул эса одам жонининг ўрнини босолмайди. Бизда ўлган киши ҳақида ёмон гапиршмайди. Нима бўлганда ҳам Баҳром бу йўлни танламаслиги керак эди. Бир кун бўлмаса бир кун қарзини ундирадди. Оқибати нима билан тўғади: болалар етим қолди, келин - бева. Баҳром эса узок муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Шуниси ажабланарлики, марҳумнинг уйдагилар унинг қарз олганлигидан хабарлари йўқ. Лекин, совдо-сотик қилиб юрганини билишади. Бу билан биз улорга нисбатан бирон-бир эътироз билдириш ниятинда йироқмиз. Марҳумнинг ота-она ва бошқа яқинларига ҳозир жуда оғир.

Шариатда ҳам, қонунларимизда ҳам қотиллик энг оғир жиноят саналади. Жазо ҳам шунга яраша бўлади. Лекин, биз ҳар қандай возиятда ҳам инсонлигимизни унутмаслигимиз керак.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

## Қонун барчага баробар

ЕТИМЛАР ҲАҚКИ ЭДИ  
БУ, ДИРЕКТОР ОПА!

Пойтахтимизда А.Хлебущкина номли 22-болалар уйини нафақат Ўзбекистонда, балки МДХ да ҳам яхши билишади. 22-болалар уйида урушда ўз ота-оналаридан ажралган, россиялик, украиналик ва белоруссиялик минглаб болалар тарбияланган. Уларга бу даргоҳ - Ватан, ота-она ўрнини босган. Бу ерда тарбияланганлар орасида халқ артистидан тортиб, академиккача бор эди. Уларнинг қўлчилигини дунё танийди. Яқинда ушбу москоннинг директори Клара Отажонова устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Ўзи хон, қўланкеси майдон бўлган директор қонунларни била туриб, ўрта маълумотли қизи Наргиза Нугмановани олий маълумотли мутахассис ишлайдиган лавозимга - тарбиячилик вазифасига ишга олади. Бу ҳам етмагандек, болалар уйи учун ажратилган маблағлар ҳисобидан «ComputerLand» Тошкент ўқув марказига ўқишга юборди. Ўқиш учун эса 15 минг сўмлик маблағ болалар уйи ҳисобидан 17-сонли тўлов варақаси орқали қизининг ўқиш жойига ўтказилди. Савол туғилиши мумкин: Нима қилибди? Директорнинг битта қизи ўқиса ўқибди-да, деган. Аммо, масаланинг иккинчи томони бор. Директор К.Отажонова ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, болалар уйининг битта тарбияланувчиси олиши керак бўлган дипломнинг сертификатини ўзининг қизига олиб берган. Ўз нафсига эрк берган директор 1997 йил июль ойида тўлов варақасига имзо қўйиб, 1653 сўм, июнда 1320 сўм, август ойида 83 сўм 74 тиён миқдоридеги пулларни ўзлаштириб келган.

Бир сўз билан айтганда директор К.Отажонова уялмай-нетмай болалар уйида тарбияланувчилар ҳақида хиёнат қилди. Етимлар ҳақида хиёнат қилиш гуноҳларнинг энг оғири эканлигини наҳотки К.Отажонова билмаса?! Ушбу гуноҳдан кўркмаганларнинг қўзини очоқидан бир нарса бор. У эса амалдаги қонунларимиздир. Қонун олдида ҳамма тенг. Жигит қилдингми, жавоб берсан.

Алишер МАДАМИНОВ,  
Чилонзор туман прокуратурасининг  
катта терговчиси.

## Қилмиш-қидирмиш

## ОМОНАТГА ХИЁНАТ

Инсоннинг босган қадами бежо бўлса, ояббатта, бу унга бир кунмас бир кун панд беради.

Ўша куни Олегнинг жиноятга қўл уриши ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Илгирнинг ҳеч қерда ишломий, тараллабедод қилиб юриши охир-оқибатда жиноятга бошлаши аён бўлса-да, ҳеч ким бунинг олдини олмади. Эндигина 25 ёшга қадам қўйган, тоғни урса талқон қиладиган йигит эътибордан четда қолганди. Олег кўпинча яқин танишларидан олган омонатларни қайтариб бермагани етмаганидек, ёлган гапириб, турли баҳоналар билан уларнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиларди. Аслида, ўзининг бу хатти-ҳаракати ахшиликка олиб келмаслигини ўз вақтида англаб етмади.

1996 йил 27 январь куни соат 17 ларда Олег автобус бекетида турган эски танишлари А. Ла, Д. Дўстматов ва У. Исмоиловни беҳосдан учратиб қолади. Уч ўртоқ уни «Москвич-2141» машинасида излаб юришган эди. Олегни кўрган захотиёк А. Ла машинадан тушиб, ундан:

- Қачон синглимдан олган нарсани берсан, - деб сўрайди. Олег А.Ланинг синглиси А.Кимдан олган омонатни қайтариб берганда, олам гулистон эди. Шу дамда айбини тан олишни ўзига ор, деб билган О. Мун омонатни сўровчидан устунроқ келишга ҳаракат қиларди.

- Сендан ҳеч нима олганим йўқ, - дейди у беорларча.

- Синглимдан олгансан, уни ҳозир

қайтармасанг бўлмайди, - дейди. А. Ла.

- Кўп чиранма, қўлингдан ҳеч нима келмайди.

- Ҳали шунақами?! Сенга ўхшаган номардларнинг таъзирини бериб қўйишга тўғри келади, - дея А. Ла унга дўк уради.

- Бўлди, бўлди. Истасанг ҳозир қайтараман, - ногаҳон Олег паст келади.

- Ҳа, гап бундай бўлибди-да!

- Аммо, ҳозир ёнимда ҳеч нима йўқ, агар хоҳласанг уйга бориб, олганимни қайтариб бермасан, ундан кейин нима қилсанг ўзинг биласан.

- Келишдик, ундай бўлса, машинага ўтир, ҳаммамиз бирга борамиз, қарзингни берсанг, ора очик, - дея А. Ла машинанинг орқа эшигини очиб, Олегни ўтказди.

Йўлда О. Муннинг нияти бузилади. Ҳозир уч киши бўлиб унинг ўзини изатнарсига тегишди. Ичиде алам билан хуфёна режалор тузди. Унинг А. Лани хуфёна тақлиф қилиши бир баҳона. Агар шундай демаса, ундан қутула олмайдди. Машина физ этиб, Бектемир туманидаги «Билур» кўчасидаги 28-уйга етиб келди. Шу хонадонда Олег акаси билан яшарди. Буни унинг ҳамроҳлари ҳам яхши билишарди. Шу боис улар Олегнинг сўзига лаққа учишиб, анча вақтдан бери битмаётган ишлари ўнлашишига умид қилишарди.

- Сизлар бир оз кутиб туринглар, мен ҳозир олиб чиқаман, - дейди Олег машинадан тушар экан, уларга сирли боқиб.

- Тезроқ бўлақол, вақтимиз зик, - дейди А. Ла.

- Ҳозир, ҳозир. Мен шундай кираман-у чиқаман, - деганча унинг эгаси эшикни очиб ичкарига кириб кетади.

О.Мун шунчаки дўқдан чўчидиганлар тонфасидан эмасди. Унинг ўзига яраша ори бор-да! Агар улорга кимлигини бир

ҳаёт билан видолашарди.

Оёғидан аяланган бўлишига қарамай, Д. Дўстматов машинани бир ҳолатда «Водник» шаҳарчасидаги «Тез ёрдам» станциясига ҳайдаб боради. Унинг жароҳати ҳаётига ҳавф солиши мумкинлиги учун зудлик билан касалхонага ётқизилади. А. Ла эса ўзини бир оз

## ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

кўрсатиб қўймаса, эртага нима деган одам бўлоди? Уч кишига бир ўзи бас келишга қодир! У ўзича ёвуз режалор тузиб, анча вақтдан буён яшириб қўйган ов милтигини қўлга олди. Уни бир вақтлар Олп бозоридан аллақандай оврупо миллатига мансуб шахсдан арзонга сотиб олганди. Ҳар қалай, бир кунимга яраб қолар, деб ўйлаганди. Мана, бугун жуда асқотадиган бўлди-да! Милтиқни ўқлаб, уни кутиб турган йигитлар олдига чиқди. Машинада тамаки тутатиб, ўтирган йигитлар бирдан унинг милтиқ билан чиққанидан ҳангу манг бўлиб қолишди.

- Ҳозир ҳаммангни ўлдираман, - деганча Олег милтиқнинг қўндоғи билан ўнг томондаги ён ойини уриб синдиради. Ўз ақли-хушини йўқотган ҳолда ўтирган А. Лани мўлжалга олиб, тепкини босади. Ҳаёти ҳавф остида қолган йигитлар қочишмоқчи бўлишганда, уларнинг орқасидан О. Мун яна ўқ отишга шайланоди. Нишонга олиб, тепкини босганда, бахтга қарши милтиқ отилмайди. Агар яна ўқ узилганда борми, кимдир

бардам сезиб, машинани ҳайдаб ўйга қайтади. Аммо, отаси ўғлининг оёғидан қон оқаётганидан чўчиб, уни ҳам касалхонага олиб боради.

Қасддан одам ўлдиришга чоғланган О. Мун тергов қилинганда у ўз айбини қисмдан бўлса-да тан олиб, ўз берган воқеада А. Лани ҳам гуноҳкор қилишга уринади. Уни ҳам таъмагирликда айблай бошайди. Уйда қонунсиз ўқотар қурол сақлашининг боисини изоҳлай олмади.

Мазкур жиноий ишга боғлиқ бўлган гувоҳлар бир неча бор сўроқ қилинди. Воқеа юз берган жой суратга олинди. Тегишли тиббий қўриқлар ўтказилди. Олиб борилган тезкор ҳаракат натижасида О. Мун қасддан одам ўлдирмоқчи бўлганлиги исботини топиб, жиноий иш судга оширилди. Айбдор тегишли жазосини олди.

А. ҚОРАБОЕВ,  
Бектемир тумани  
прокуратурасининг терговчиси,  
Умид УСМОНОВ.



Маҳалладан бошланар Ватан

Шаҳарлар отини маҳлат этиб, Бўди чу нз шаҳр Хари от этиб.

Алишер Навоий.

Маҳалла. Биргина шу сўзнинг замирида қанча маъно ётибди. Бу сўзни эшитганимизда кўз олдимизга юзларидан нур ёғилиб турган оппоқ соқоли, тўй-ю маъракаларда бош-қош бўладиган кексалар, ҳаракатлари чاقқон, қўли кўксига хизматга тайёр йигитлар, мунис ва мўътабар онахонлар келади. Мустақилликдан сўнг юртимизда маҳаллаларнинг нуфузи янада ошди. Унга элнинг бообруй кишилари бош-қош бўлди. Хукумат томонидан ҳам маҳаллабўларга катта ҳуқуқлар берилди. Улар бугунги кунда маҳаллаларнинг осойишталиги ва ободчилигини таъминлашда катта ишларни амалга оширяптилар. Ана шундай маҳаллалардан бири пойтахтимиздаги «Сархундон» маҳалласидир.

Маҳаллақўм раиси Хожи бобо, Акбар ака, Ақсодор аjoyиб инсон. Тиниб-тинчимас, заҳматкаш. У кишининг ҳаракатлари туйғайли «Сархундон»да биронта ҳам жиноят содир бўлмади, - деди Шайхонтоҳур тумани прокурори вазифасини бажарувчи Э. Усмонов. - Акбар ака маҳалладаги барча муаммоларни маҳаллақўм аъзолари билан бирга ҳал қилади. Минг эшитгандон бир кўрган афзал, деган нақлга амал қилиб, Эшмат ака билан «Сархундон» маҳалласига йўл олдик.

Акбар акани иш устида учратдик. Ёшлари етмишдан ошган, оппоқ соқоли Хожи бобонинг сўзларидан тўғриси, ўттиз ёшли йигитнинг шижоати ва ғайрати жўш уриб турганини кўриб, ҳавас қилдик.

1942 йиллари пойтахтимизнинг машхўр «Чақор» маҳалласидаги маҳаллақўмга аъзо бўлганман. Уруш пайти ўғрилор кўп бўлар эди. Фаоллар йиғилиб, уларнинг танобини тартиб қўйганмиз, - дейди Акбар ака. - Энди, ҳозирги «Сархундон» маҳаллақўмини мустақиллик фарзанди, десак бўлади. Маҳаллақўм 1991 йил ташкил қилинган. Ҳақиқатдан ҳам 1996-97 йиллар маҳалламизда биронта ҳам жиноят содир бўлмади. Албатта, бунинг ўзи бўлмайди. Ҳозир ҳам ҳар ойда бир марта ҳуқуқий мавзуда учрашувлар ташкил қилясамиз. Унда туман ИИБ, прокуратура, суд ходимлари қатнашади. Бундай учрашувлар жиноятчиликнинг олдини олишда катта профилактика бўляпти.

ТИЖОРАТЧИ ЎЧ ОЛМОҚЧИ ЭДИ. АММО...

(Акбар аканинг ҳикоясидан)

Бундан беш-олти йил олдин бир кун идорига келасам, бир йигит бировнинг уйига кириб, магнитофонини ўғирлаб кетаяпти. Ҳаракатидан сездим. Дарров ушлаб, идорига олиб келдим. Ота-онасини маҳалла идорасига чақиртирдим. Ота-си пёниёни одам экан. Ундан фойда чиқмаслигини билиб, жавобини бериб юбордим. Битта-иккита одамлар, ўғри бўлса, милицияга бериб қутулиш керак, деди. Мен уларга, бу йигитни ўзим тарбиялайман, дедим. Маҳалланинг идорасида ўғри йигит обдон тоғвобасига таянди.

«САРХУНДОН»НИНГ ВИЖДОНИ

Пойтахтимиздаги «Сархундон» маҳалласида 1996-1997 йиллар давомида биронта ҳам жиноят содир этилмади

Чамамда, у мени дастлаб ёмон кўриб юрди. Сиздан ўчинми оламсан, деган эди. Лекин, уни милицияга бермадим. Ўша йигитни назорат қилдим, насихат қилдим. Яхши гапирдим. Бўладиган бола экан. Ҳозир катта тижоратчи. Яқинда келиб: «Хожи ота, дуо қилинг», деб бир даста пул олиб келибди. Пулини маҳалла жамғармасига кирим қилиб, кўл қўйдириб қўйдим. Ҳозир уйли-жойли. Автомашинаси бор. Эспл-хушли йигит. Кўрғанда салом беради. «Сиз менинг отамсиз. Агар сиз бўлмасагинизда, аллақачон қамалиб кетган бўлардим», - дейди.

Маҳалламизда ўндан ортиқ «дом» бор. Унда ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Вақти-вақти билан ота-оналарни йиғиб, фарзанд тарбияси ҳақида маърузалар уюштирамиз. Хуллас, ёшлар тарбиясига эътиборни қаратганмиз. Баъзан масжидлардан ўломоларни тақдир қилиб, одобнома мавзусларида амри-маъруфлар ташкил қиляймиз. Албатта, қилган меҳнатларимиз зое кетмаяпти.

Ёшлар ўртасида безорилик ва ўғрилик, қўйди-чиқдиларга кескин барҳам берилгани олиб борилаётган тарбиявий ишларимизнинг махсуслидир. Натижада, бошимиз кўкда. Ўз таърибам ҳақида телевидениеда ҳам, радиода ҳам бир неча марта чиқишлар қилдим. Мақсадимиз - маҳалла тинч ва обод бўлсин, деймиз.

ЧОЛЛАР ЎЗ ПОСТЛАРИДА СЕРГАК

(Акбар аканинг ҳикоясидан)

Маҳалламизда чоллардан ихтиёрли «дружник» «отряд» тузганмиз. Ҳар кун соат 22 дан кейин маҳалла осойишталиги бўйича текширувга чиқамиз. Раҳматулла Солихжоев, Маҳмуджон Рашидов, Асадулла Ақмалов маҳалла худудини назорат қиламиз. Бирон ноҳуя иш қилаётган ёш-ялангни кўрсак, тартибга чақирамиз. Ота-онаси билан суҳбатлашиб, муаммони жойида ҳал қиламиз. Агар яхшилик билан иш битмаса, участка инспектори Олимжон Мамодовни ёрдамга чорлаймиз. Ундан кейин эса ишни маҳаллақўмда чоллар билан баҳамжўхат «разбор» қиламиз. Яқинда уч-тўрт уфат ёшларга «намуна» кўрсатиб, ичиб ўтирган экан. Чоллар тезда участка инспекторлари билан уларга жарима солишди. Энди кўзи очилган кўйичларнинг фаолиятига чек қўйди. Бу ишимиздан ҳамма хурсанд.

Журналист изоҳи: Акбар аканинг ушбу ҳикоясини эшитиб, бевосита кўз олдимга «Суюнчи» фильмидаги Анзират буви келди. Эшикемизда бўлса, яқинда қишлоққа кўчиб келган мол дўхтири уйига қўлиб осиб қўйганини кўрган Анзират буви қаттиқ ранжиган

эди. Ўз «ёрдамчи»ларига қўл-қўли олдиртиб ташлаган эди. «Суюнчи»да Анзират буви «қишлоқнинг виждони», дейилади. Бир сўз билан айтганда «сархундон»лик чолларни маҳалланинг виждони деса бўлади. Акбар аканинг «отряди»даги чоллар ҳам тинчгина уйда оёқларини узатиб, чойини ичиб ётса бўларди. Аммо, улар бундай қила олмайди. Чунки уларнинг юрагида ўз маҳалласига меҳри ўзгача. «Маҳалладан бошланар - Ватан», деган сўзлар ана шундай инсонларнинг қалбидан отилиб чиққан бўла ажабмас.

\*\*\*

Тўғриси, жиноятни ёши бир жойга бориб қолган инсон қилмайди. Бизга ўхшаган чолларга тинчлик керак. Жиноятни айрим бекорчи ёшлар қилади, дейди Акбар ака. - Яхши еб, яхши кийингиси келади. Аммо, ҳозир ҳамма оила бирдай имкониятга эга эмас. Бунинг яхши биламиз. Мени ўйлантириётган муаммолардан яна бири - айрим ёшларимиз ватанимизга хизмат қилишдан бўйин товлаб, йигитлик шънига доғ туширяпти. Бизнинг маҳаллада ҳам ана шундай «қоҳрамонлардан 17 та экан. Маҳалла аҳли йиғилиб, ёшларимизнинг бу иши йигитлик шънига иснод эканлигини айтиб, туман мудоффа бўлими билан ҳамкорликда бу ишларни ҳам ҳал қилдик. Битасини

ҚАЙГА БОРАЙ, ХОЖИ БОБО?

(Акбар аканинг ҳикоясидан)

Икки ҳафта олдин ўғлим билан тонда намозга турсак, қўшини «дом»да турадиган бир йигит азонда қўшини йиғлаб келди:

«Хожи бобо, бошимга иш тушиб қолди. Хотинимни машина босиб кетди. Марҳумани чиқариш учун пулни йўқ. Ун-ёни ўзингиз бериб турибсиз, - деб. Шу йигитнинг оиласи кам таъминланган оилаларнинг ҳисобида турарди. Бу гапни эшитган тижоратчи ўғлим беш минг сўм берди. Ўзим ҳам қараб турмадим. Маҳалла аъзолари ҳам биргалишиб, марҳуманинг расирусиларини қилиб, сўнги йўлга кузатдик. Худога шукр, маҳалламизда ўзига тўқ йигитлар бор. «Хожи бобо, дуо

қилинг», - деб пул ташлаб кетади. Дуо қилгач, кел, ўғлим, дейман. Пул берганинг тўғрисида дафтарга қўл қўй, дейман. Ана шу мобилларни маҳаллада моддий ёрдамга муҳтожларнинг кам-кўстига ишлатамиз.

Маҳалламизда 10 нафар жазони ўтаб келган фуқаролар яшайди. Улар билан тез-тез суҳбатлашиб тураман. Ишга жойлаштирилган ёрдам бера-ялмиз. Энг асосийси, улар бизнинг назоратимизда. Маҳалламизда 38-ўрта мактаб бор. Ўқитувчилар билан ҳар кун суҳбатлашиб тураман. Илгари бу мактабда вояга етмаган ўсмирлар ўртасида майда жиноятлар содир қилинган. Ҳозир бу мактабда биронта ўқувчи милициянинг ҳисобида турмайди. Шундан кўнглим тўқ. Демак, фахр билан айта оламани, маҳалла фаоллари, чоллари ишляпти.

Акбар акадан Наврўз байрамига маҳаллада қандай тайёргарлик кетаётгани ҳақида сўрадик.

Сўз бериб айтман, аҳолилик масаласида бизнинг маҳалла намунага айланади. Ҳозир «домком»ларимизнинг ҳар бири ўз худудларида ўз аҳолиси билан тозалик ва ободлаштириш ишларини бошлаб юборди. Бу ишларни удаллаш олмаган «домком» 2 минг сўм жарима тўлайди. Ишламай кўрсин. Бирон жойда охлат уюмининг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди. Маҳалламиз келажакда дов-дароҳта ва гулларга бурканган гўзал масканга айланади. Ана шунда журналистлар бизнинг маҳаллани «гулларга бурканган, биронта жиноят содир бўлмаган, гўзал маҳалла», деб ёзсизлар.

Биз Акбар аканинг орзуларига қўшилан ҳолда у кишининг эл-юртнинг тинчлиги ва ободлиги учун қилаётган ишларига омад тиладик.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Хукук» муҳбири.

ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

Пойтахтимиздаги барча маҳалла қўмиталари бир хил ҳуқуққа эга. Аммо, айримларида жиноятчилик кўп. Нима сабабдан? Маҳаллақўм фаолият кўрсатаётган бўлса, участка инспекторлари ишляётган бўлса, нега жиноятчилик содир қилинмоқда? Сархундонликларнинг сирини билиш мақсадида шу соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.

Бахтиёр ҲАҚНАЗАРОВ,

Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари:

Хизмат юзасидан пойтахтимизнинг қўллаб маҳаллаларида бўлганман. Айрим фуқароларимиз маҳалла қўмитасини фақат моддий ёрдам берадиган ташкилот, деб тушунади. Аслида эса ўзи ҳам маҳаллага ёрдам бериши кераклигини унутиб қўйган. Тушунган инсон «маҳаллам менга нима берди?» дейиши эмас, балки «мен маҳалламга нима бердим» дейиши керак. Аҳиллик бўлган жойда кут-барока бўлади, жиноят бўлмайди. Бунга «Сархундон» маҳалласидаги ибратли ишлар мисол бўла олади. Бу маҳалланинг оқсоқоллари лоқайд эмас. Улар ҳар бир ишни рисоладагидек бажоратликлари туйғайли биронта жиноят содир бўлмаган. Пойтахтимизда айрим маҳалла ва маззелар борки, у ерда на маҳаллақўмининг обрўси бор, на оқсоқолларнинг.

Ҳеч ким маҳалладан айри яшай олмайди. У оддий фуқароми ёки пўлдар шахси, қатъий назор, тўйи ҳам, маъракаси ҳам ўз маҳалласида ўтади. Шундай экан, ҳар бир фуқаро маҳалла аҳли билан яқин муносабатда бўлиб, маҳалланинг тинчлиги, осойишталиги ва ободлиги учун курашиши керак. Пойтахтимиздаги барча маҳаллақўмлар «Сархундон»нинг маҳалла қўмитаси раисига ўшаб ишлагандаринда эди, бошимиз кўкка етган бўларди. Уларнинг ибратли тажрибаларини пой-

тахтимиздаги барча маҳаллаларга ўргатиш керак.

Эшмат УСМОНОВ, Шайхонтоҳур туман прокурори вазифасини бажарувчи:

Маҳаллада биронта жиноятнинг содир этилмаганининг сабабларини ўрганиб чиқдик. Бу маҳаллада ўзаро назорат қўчи. Римлик файласоф Сенека «Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантиради», деган эди. «Сархундон»да эса жиноятчиликнинг олдини олишга олоҳида эътибор қаратилган. Бунда маҳалла оқсоқолларининг меҳнатини ҳам тон олиш керак. Улар доимо сергак. Маҳаллада жиноятчилик содир бўлмаслигининг асосий сабабларидан бири - бу ерда ҳуқуқий моданиятга олоҳида эътибор қаратилган. Маҳаллада ички ишлар ходимлари, суд, прокуратура идоралари раҳбарлари билан тез-тез юзма-юз мулоқотлар бўлиб туради. Бу ишларнинг ҳаммаси жиноятчиликка қарши қурошда муҳим ўрин тутди. ИАЗАМАТОВ,

туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги:

Жиноятчилик ҳақида ўйлаганимда О.Бальзакнинг «Фуқароларнинг ўзаро бир-бирини назорат қилиши жиноятни бартараф этади», деган сўзи ёдимга келади. Ҳақиқатдан ҳам, қароқчи назорат сўйсая, ўғирлик, безорилик ва ичкиликбозлик каби жиноятлар ўрчиди.

Айниқса, ҳозирги шоронда боззи ёшлар ўқиб ёки ишдан сўнг нима қилишларини билимайди. «Сархундон» маҳалласида эса ҳар бир йигитнинг хатти-ҳаракати маҳалла аҳлининг назоратида. Бу ўрганса арзийдиган тажрибадир.

## Наср

Томмазо ЛАНДОЛФИ,  
(Италия)

## ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

(ҳикоя)

Хар ҳолда бу оқимга буткул шўнғиб кетмаса-да, ҳаётга, машуқасидан аразлаган ошиқ каби лаб буриб яшай бошлады. Тўри, унинг аҳволи ёвга таслим бўлган рақибни эслатса-да, бояқиш кўника бошлаган эса-да, юрагини туздай очиштириб, оғир ғам-ғуза эзиб ётарди, назарида энди ҳеч қачон ҳаётга сингишиб кетолмайдигандай туюларди. Қисқаси, у изтироб чекавериб, дарду аламга ўрганиб ҳам қолган, ғам қалбини ғалвир қилиб ташлаганди; у, агар ташбир жоиз бўлса, абжон қикан, илматешик чироқ қолқоғи абажурга ўхшардики, унинг беҳаловат жонини эслатдиган нурга саргардон парвоналар абажурнинг йиртиқларидан гўё кириб, пириллаб чироққа уриларди.

Эҳтиёткорлик Т.ни шундай аҳволга олиб келдики, у қалъага айлантириб олган хонасининг бўсағасини ҳатлаб чиқолмай қолди: қичиб ярим тунда уйқуси қочиб; кўпқаватли меҳмонхонанинг тағидига қаҳвахонага тушишга журъат этди. Жимирлаб турган ёрашари қизғин ёдга ичда уч-тўрт эркак-оёл жулдирвоқлар кирпаплаглашиб ўйин тушмашар, ҳашоматли гўмбазнинг қарши тарафда эса кичик бир жамоа одоб сақлаб, қунишиб жажжи телевизорга термилиб ўтирарди. Уларнинг ортида девор ёқалаб терилган гирди зарҳал мрамар столчаларда аллақандай башанг кийинган, сўхтаси совуқ кимсалар ичишиб, гурунг қилишарди.

Стулчалардан бирида рангпаргина, маънос чехрали бир хоним ёлғиз ўзи ўтирибди: мана, аёлнинг ғамгин кўзлари нарироқдаги беҳаловат бир кишига қадалди. Эркак эса тирсақларига таяниб, бахтиқаро Вертердай бошини кўллари орасига олиб оғир тебранар, онда-сонда қадаҳни шунчаки лабига яқин келтирар ва тинимсиз уҳ тортар, хуллас, ўз ёнига қоврилиб, қаттиқ ғам чекаётганини пайқаш кийин эмас эди.

(Бошланиши ўтган сонда).

Одатда бирор-бир нотаниш ойимтиллага кўзи тушса, мулоҳазаскор, сўққабаш эркакларни кўфрона йўлларга бошлайдиган бундай нозанинни бошдан-оёқ бир қур кузатарди. Бирок, ҳозирги вазиятда у кайфиятидан келиб чиқиб, албатта, кўнглида бу хотин ҳалигидакаларданмас, ғамгинроқ экан, деб фикр қилди, холос. У хонимга шунчаки белисанд назар солди ва шу лаҳзада аёлнинг ўзига меҳрибонлик билан маънос қараб турганини кўрди. Ҳаял ўтмай, гўё ишни олдиндан пишиқиб қўйишгандай иккала жимжмадор ялтироқ устун олдида тўқнаш келиб қолиб, беихтиёр гоп сука бошладилар:

- Яхшимисиз?  
- Ҳ, хоним, саломатмисиз?  
- Виски қўшишни маъқул кўрибсиз-да?  
- Йўқ-йўқ... Тўғри топдингиз. Гарчи... бу ерда вискидан ўткирроғи йўқ!  
- Мен бир қарагандаёқ кайфиятингиз йўқлигини сездим. Менинг ҳам биласизми, шу...

- Тўғри пайқабсиз. Мен ажални кутаяпман.

- Эҳ, кўяверинг, ким ҳам ўлимни кутмайди дейсиз? - ёзғирди бидирлади хоним ва бошини маҳзун этди.

- Бирок, ҳеч ким менга ўхшаб кутмайди-да.

- Нега сизга ўхшаб? Бирор-бир бедаво касалга чалинганмисиз?

- Мутлақо. Мен қотилни кутаяпман, сабрсизлик билан кутаяпман.

- Сиз Аэроилни назарда тутаяпсиз, чоғи?

- Қанақа Аэроил, ҳақиқий қотилни, ёлланган одамқушни.

- Вой, нималар деяпсиз?

Т. юрагини ҳарсангдай босиб ётган ваҳмин енгиллатишга имкон туғилганидан қувониб кетди ва бу кўримсизгина аёлга бошидан кечирган савдони очилиб-сочилиб гапириб берди.

Энди, орадан бир-икки ой ўтказиб, мисоли асал ойини бошларидан ўтказётган келин билан кувёдай қаймоқлашиб юрган ошиқ-машуқларга бир назар солайлик. Ҳа, ошқом - меҳмонхона тағидоғи

қаҳвахонада эшитганларига боз қайтиб, рангар хоним жонот Т.га кўнгли берди: ажал қотилданми, бошқаданми, барибир хар бошда бир ўлим муқаррор, бир кун ўлиб кетарканман-да, деб ҳаётга кундан бурун этак силкиш, ҳурсандчиликдан юз буриш ярамайди, деди ва буни икки қарра икки тўртдай тушунтириб қўйди. Жаноб Т. ҳам дарҳол бўлмаса-да, аста-секин қатиятсизлики ташлаб, янги, айтиш жоизки, боқира туйғуларга эш бўлди. У гоҳи-гоҳида, ўзининг мушкул аҳволга тушган долларини эслаб қўярди; хоним эса порлоқ келажакларининг режасини тўзарди. Гарчи безовта туйғулар ҳануз юрагини тимадалоб турса-да, у хонимнинг бу машғулотига ҳалал бермасди.

Вафодор ошиқлардай очилиб-сочилиб, аҳд-паймонлар қилишиб, ширин сўхбат қуришга оқшомлардан бирида Т. кайфчоғ, олти миллион лирга тушгани ёдидан кўтарилиб кетган, хиргойини баланд олиб, меҳмонхонадаги хос хонасига кеч қайтди; бир маҳал ошхона эшигининг тутқичи ташқаридан беҳос бурилиб, Т.нинг олайиб кетган кўзлари олдида қотил пайдо бўлди. Хонага бу нокас қандай қилиб кирди экан? Наҳотки, уни тинчитиш учун келди... Э ҳудойим, энди-энди, сал...

- Сиз... сен... олган пўлтингни оқлагани келдингми?

- Жа обқочасиз-а, - очилиб қулди ёлланган қотил, - Мени ким деб ўйлаяпсиз? Лафз пўлдан баланд туради: агар сизни ўлдириш учун келганимда мени пайқамой қолардингиз.

- Унда нега келдингиз?

- Бадбахт қурбонимни бир кўрай-чи, дедим-да. Устига-устак, мендан қилган шубҳа-ғумолларингизни тарқатай, дедим. Ваъда-ваъда! Мухими, сиз ҳалигидай, яъни ҳаётдан кўз юмсангиз, қани нима йўқотаркансиз, шунга билгим келди.

Аҳмад ОТАБОЙ  
таржимаси.

(Давоми бор).

## Кўнгли

...Овозингиз тинглаб ўзимда йўқ шод,  
Сизнинг қошингизга ҳаёдан чопдим.  
Балки мен ўзимни йўқотгандирман,  
Ва лекин, ва лекин мен сизни топдим..

Бегим!!! Биласизми, мен сизни топдим. Ҳа, ҳа, ишонверинг, сизни ногаҳон, қутилмаганда учратиб қолдим. Ҳа, ҳа, ишонверинг, ҳаёлан қалбимда суратингизни чизиб юргандим. Мен бохти оёлман. Юрагининг тубидан адоқсиз ҳаёлларим ила тасвир бўлган азиз инсонга бирдан дуч келиб қолдим. Сизни кўрдим-у, илохий ҳис ила боданларимда қандайдир жимирлаш пайдо бўлди-ю, юрагим ҳапқириб кетди. Чукур-чукур нафас олгим келди.

Сизнинг нигоҳларингиз мен учун аввалдан танишдек эди. Тим қора кўзларингиздаги ғавҳар ҳам мен учун танишлиги рост. Буни фақат менинг юрагим сезади, холос. Юрақнинг тилини фақат ўзим тушунаман, ўша юрак тушунади.

Ногаҳон, ўша кунни Сизни учратиб қолдим. Нигоҳларимиз унсиз

МЕН СИЗНИ  
ТОПДИМ

сўзлашди. Сиз ҳам мени аввалдан ҳис этгандек, ногаҳон қарадингиз. Ҳа, ҳа, ишонверингиз, биз сўзсиз бир-биримизни тушундик. Сизнинг ўй суриб қарашингиз менга шунчалар ёқардики, буни таърифлай олмайман.

Таажуб! Сизни қаерда кўрган эдим? Фақат ҳаёлимдами? Сизни кўргач, бутун вужудим титрагани-чи? Сиз буни сездингизми? Менга нима бўлди ўзи? Тасодифан сўхбатлашяпмиз, гапларингиз қўлоғимга кирмади. Фақат лабларингизнинг пичирлаганини кўраман; холос! Менинг вужудим севгидан қарахт эди. Мен сизни севиб қолганимни ҳозир ҳис этдим.

**Бу - тасодиф, бу - амад, бу - бахт,  
Қайдан келмиш бу сизнинг товуш?  
Сизни кўрдим хушсурут, эй мард,  
Сизмисиз бу, севиб қолганим?**

Сизни учратгач, дунё кўзимга янада гўзал, сеҳрли, ажайиб тароватли туюлар эди. Неча кунки, оролим йўқ, ўзимга келолмайман, юрсам ҳам, турсам ҳам сизни ўйлайверман. Кўз олдимдан оташ нигоҳингиз кетмай қолди. Овозингиз қўлоғимдан ўчмай қолди. Ошиқнинг қалби икки кўзида, дейишди. Тинимсиз ўйлар менинг сирдошим бўлиб қолди. Барига сиз сабаб.

Бегим! Сизнинг мен билан бир шаҳарда яшашингизнинг ўзи -- БАХТ! Сиз билан бир ҳовода нафас олишим -- ШОДМОНЛИК! Сизнинг кўзларингиздаги туйғуни хар кунни унсиз уқшиминг ўзи -- ҳаётга ЧОРЛОВ! Сизнинг бир бор астагина жиммайишингиз мен учун -- ҚУВОНЧ. Мен сизни севиб қолдим...

Ҳа, бу ўткинчи туйғу эмасди. Ишонинг, узоқ йиллар излаганим - Сиз эдингиз. Сиз бир умрга:

**Менинг кўзларимда яшаб қоласиз,  
Менинг сузларимда яшаб қоласиз.**

Сайида АҲМАДЖОНОВА,  
Андижон.

Ўлкамизга яна турналар қайтди.

## Кроссворд

**Энига:** 5.Бирор шахсга, гуруҳ, жамоа ёки давлатга қарашли ишлаб чиқариш ёки совоно уюшмаси. 8.Ҳашоматли, кўркам бина. 11.Тури энергия нурланишини ютадиган, ўзгартирадиган ёки қайтардиган сиртли қурилма. 12.Мусулмон оламининг муқаддас шахари. 13.Сирдарёнинг ўрта оқимида бўлган эрамиздан аввалги I аср ва эрамизнинг XVI асрларига мансуб шаҳар харобаси. 14.Кўпкам таомни. 18.Тошкент вилоятидаги дарё. 20.Чиройли ёзиш санъати.

**Бўйига:** 2.Харбийлар, милиция ва суд ходимларининг кийимидagi белги. 3.Фирқлик ўлчови бирлиги. 6.Бозорни ўрганиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича режа, чара-тадбирлар мажмуи. 7.Кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган иқтисодий муносабатлар. 9.Довлатнинг расмий белгиларидан бири. 10.Муайян бир миқдордаги сармоя. 15.Бирор нарсадан фойдаланиш

ҳуқуқини берувчи ҳужжат. 16.Япония мамлакатининг қадимий пойтахти бўлган йирик шаҳар.

**Ёй бўйича:** 1. Дунё томонларини кўрсатуви асбоб. 4.Юқори навли тиниқ оқ шиша. 17. Ҳаётда маълум нарсани назар-эътиборда тутиш. 19.Кўш тизимдаги сайёра.

## МУАММОНОМА

Авал куйидаги очқич сўзларни толинг.

1. Австрия мамлақати пўл бирлиги - 6, 5, 2, 2, 5, 9, 19.
2. Мустақил иш юритувчи, қишлоқ ҳўжалик қорхонасининг эгаси - 12, 11, 14, 10, 11, 14.
3. Оврўпадаги давлат - 17, 4, 9, 5, 21.
4. Ниҳоҳ вақтида ўқилдиган дуо - 7, 8, 18, 15, 4.
5. Асар ёки юридик ҳўжатнинг алоҳида бўлаги - 3, 5, 1, 10.
6. Жанг ёки оварда қўлга киритилган нарса - 20, 2, 16, 4.
7. Қимматбохо тошлар ўлчови бирлиги - 13, 4, 14, 4, 18.

Энди шакл атрофидати

рақамларни очқичдаги сўзлар асосида тааллуқли харфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан мусулмон олами ҳали-фаларидан бири Ҳазрат Али хикматлари аён бўлади.

Тузувчи:  
Фозилжон ОРИПОВ.

**Газетанинг ўтган сонидида эълон қилинган топқирлик машқининг жавоблари:**

Энига: 5.Қалдирғоч. 8.Эритма. 11.Отар. 12.Ажам. 13.Эрон. 14.Овул. 16.Бугдой. 20.Баҳорикор.

Бўйига: 2.Адир. 3.Ором. 6.Бўзтўрғай. 7.Зирбулоқ. 9.Ургачч. 10.Чақмоқ. 17.Улоқ. 18.Оқин.

Ёйлар бўйича: 1.Наврўз. 4.Борлик. 15.Барҷок. 19.Дорбоз. Муаммонима: «Наврўзнама» Умар Ҳайём асари.

